Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 178 (7068). | 18 сентябрь, 1979 йил | СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети, ГДР Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси ГДР ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан шу йил октябрь ойининг бошларида расмий дўстлик визити билан Германия Демократик Республикасига боради.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

АДДИС-АБЕБА, 17 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бу ердаги расмий дўстлик визитини тамомлаб, Эфиопия пойтахтидан жўнаб кетди. Совет ҳукумати бошлиғини Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг ва Министрлар Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

А. Н. Косигин жўнаб кетишдан аввал берган баёнотида, жумладан, бундай деди: биз визит якунларидан мамнунмиз. Музокаралар давомида СССР билан Эфиопия ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги даражасига юқори баҳо берилди, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Эфиопия шартномасининг қоидаларига, шунингдек илгари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев билан МХМК раиси ўртоқ Менгисту Хайле Мариам ўртасида Москвада бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида эришилган аҳдномаларга биноан мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш истиқболлари белгиланди.

Маълумки, бу ерда бир қанча қўшма ҳужжатлар қабул қилинди, бу ҳужжатлар Совет Иттифоқи билан Эфиопия ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига аминмиз.

* * *

АДАН, 17 сентябрь. (ТАСС). А. Н. Косигин қисқа дўстлик визити билан Яман Халқ Демократик Республикасининг пойтахтига келди. Аэропортда уни Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯХДР президентлик кенгашининг Раиси, Олий Халқ кенгаши президиуми раисининг ўринбосари, Бош Министр Али Носир Муҳаммад ҳамда республиканинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари кутиб олдилар.

А. Н. Косигин Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ кенгаши президиумининг ўринбосари Абдул Фаттоҳ Исмоил билан дўстона, ўртоқларча суҳбатлашди.

Шу куни Али Носир Муҳаммад билан музокаралар ўтказилди.

А. Н. Косигин КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневдан ЯХДР раҳбарларига табриклар ва янги жамият қурилишида муваффақиятлар тилаб билдирилган истаклар топширди.

Бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида Совет Иттифоқи билан Демократик Яман ўртасидаги, КПСС билан ЯСП ўртасидаги самарали ҳамкорлик ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этилди. СССР билан ЯХДР бундан буён ҳам сиёсий муносабатларнинг икки томонлама ҳамкорлик масалалари бутун комплекси учун муҳимлигига асосланиб, шу муносабатларни мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият беорадилар. Иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш соҳасидаги кучгайратларни давом эттиришга ҳар иккала томоннинг интилаётганлиги изҳор қилинди. А. Н. Косигин Совет Иттифоқида коммунистик қурилиш қандай давом этаётганлиги тўғрисида ҳамда ҳозир КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш соҳасида, халқлар тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги, социал тараққиёт учун курашда ҳал этаётган вазифалар ҳақида ЯХДР раҳбарларига ахборот берди. У ЯХДР халқига Яман Социалистик партияси раҳбарлигида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Актуал халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида томонлар СССР билан ЯХДРнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқ аро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш ва бу жараённи дунёнинг ҳамма районларига ёйиш учун кураш масалаларидаги қарашлари бир-бирига тўла-тўкис мувофиқ эканлигини қайд этдилар.

Томонлар Яқин Шарқдаги аҳволни кўриб чиқиб, Миср—Исроил сепарат шартномасини кескин қораладилар, бу шартнома Исроилнинг араб ерларини оккупация қилиб туришини қонунлаштириш, фаластинлик араб халқини ўз дахлсиз миллий ҳуқуқларидан маҳрум этиш мақсадини кўзлашини уқтириб ўтдилар. Араблар дунёсида империализмнинг ва унга гумашталик қилаётганларнинг киридикорларга қарши, Яқин Шарқдаги аҳволни одилона ҳар томонлама бартараф этишга эришиш учун курашаётган ватанпарвар кучларнинг жипслигини ва ҳаракат бирлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ПАХТАНИ ТЕЗ ВА СОЗ ТЕРАЙЛИК

ҒАЛАБА РАЙОНИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ 1979 ЙИЛДА ПАХТАНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ДАВРИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ғалаба райони коммунистларининг 1979 йилда пахта ҳосилини тез ва самарали йиғиб-териб олиш борасидаги партиявий сиёсий тадбирларини кўриб чиқиб маъқуллади. Қабул қилинган қарорда қайд этилгандики, Тошкент областидаги Ғалаба районининг меҳнаткашлари партия XXV съездининг қарорларини амалга ошира бориб халқ хўжалигини ривожлантиришда муттасил юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Беш йилликнинг уч йили ичида давлатга 182 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» сотилди, шундан 23,5 минг тоннаси пландан ташқаридир. Гектар бошига ўрта ҳисобда салкам 40 центнердан ҳосил олинди. Машина терими салмоғи 90 процентни, бир центнер пахтанинг таннархи 30 сўмни ташкил этди.

Бу йил район деҳқонлари гектар бошига 40 центнердан кўпроқ ҳосил кўтариш, ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олиш ва давлатга 61 минг тонна, яъни пахта тайёрлаш умумий ҳажмида кўзда тутилганига қарағанда 7 минг тонна кўп пахта сотиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Район партия ташкилотлари пахтакорларни мислсиз серёғинлик ва совуқ келган баҳор туфайли вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишга сафарбар қилдилар. Барча меҳнаткашларнинг ва биринчи навбатда коммунистлар билан комсомолларнинг юксак уюшқоқлиги, фидокорлиги ва ташаббуси туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Ғалабаликлар машина теримини 25 сентябрда бошлашга ва планни 20 кун ичида 15 октябргача, 6—7 кундан кейин эса юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга аҳд қилдилар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари, совет органлари мутахассислар билан активларнинг фаол иштирокида йиғим-терим давридаги ташкилотчилик — оммавий ва ғоявий-сиёсий ишлар комплекс планини ишлаб чиқдилар, бу план муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳамма пахта териш техникаси, транспорт воситалари оталиқ ташкилотларнинг актив иштирокида ўз вақтида ремонтдан чиқарилди. Пахта заводлари, тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехлари пахтани узлуксиз қабул қилиб олишларини кўзда тутувчи тадбирлар кўрилди. Ишни икки сменада ташкил этиш учун механизаторлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

Пахтачилик хўжаликларида 35 та терим транспорт отрядй тузилди, мана шу отрядлар составига далаларни тайёрловчи, пахта терувчи ва ташувчи, машиналарга техникавий хизмат кўрсатувчи ишчи ва колхозчиларнинг овқатланишини ташкил қилувчи,ерларни шудгорловчи ихтисослаштирилган 463 та звено кўшилди.

Болалар боғчалари ва яслиларининг иши ташкил қилинди, йиғим-терим қатнашчиларига медицина хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди.

Район партия комитети партиявий таъсирни кучайтириш мақсадида коммунистларнинг жой-жойига қўйилишини қайта кўриб чиқди. КПСС аъзоларидан 150 кишини пахта йиғим-теримининг ҳал қилувчи участкаларига юборди. Терим транспорт отрядларида ва кўпгина звеноларда 65 та муваққат партия группалари тузилди.

Районда йиғим-терим ишларига конкрет раҳбарлик қилиш учун район партия комитетининг биринчи секретари фаол иштирокида штаб тузилди. Худди шундай штаблар ва оператив группалар ҳар бир хўжаликда ташкил қилинди.

Агитация-пропаганда кадрлари тасдиқланди. Халқ контроли постлари ва комсомол прожектори штаблари қўшимча равишда тузилди. Район матбуот маркази ташкил этилди ва у ишлай бошлади.

Районда хўжаликлар, бригадалар, механик ҳайдовчилар орасида социалистик мусобақа уюштирилди.

Чиқарилаётган жанговар варақалар ва «Молния»лар, район газетасининг материаллари, маҳаллий радио эшиттиришлари, агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларнинг лекциялари натижаларнинг ошкоралигини, илғорлар тажрибасининг оммалаштирилишини таъминламоқда. Хўжаликларда механизаторларнинг иш якунлари ҳар куни чиқарилиб турибди. Ғоявий таъсирнинг ҳамма воситалари конкрет мақсадга: пахтанинг юксак сифатини таъминлаш ва ҳосилни қисқа муддатларда нобудгарчиликка йўл қўймай йиғиб-териб олишга қаратилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ғалаба район партия комитетининг 1979 йилда пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давридаги партиявий-сиёсий ишлар борасидаги тадбирларини маъқуллаб, область, район партия комитетларига, пахтакор колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига Ғалаба район партия комитетининг ҳосилни машиналар билан қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш соҳасидаги тажрибасини муҳокама қилиб ундан фойдаланиш, пахта териш техникаси ва механизмларини самарали ишлатиш, пахтани бригадалар бўйича алоҳида-алоҳида топшириш усулини кенг қўлланиш вазифасини топширди. Оммавий-сиёсий ишларнинг, маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларини йиғим-терим мавсумини муваффақиятли ташкил этиш ва ўтказишга бўйсундириш лозим.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик, пахта тозалаш саноати министрликлари, «Госкомсельхозтехника», «Главсредазирсовхозстрой» Ғалаба район партия комитети иш тажрибасининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлашлари ва бу тажрибани оммалаштириш ҳамда қўлланишда колхозлар ва совхозларга, қишлоқ хўжалик органларига амалий ёрдам беришлари шарт.

Республика газеталарининг редакцияларига ва Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитетига Ғалаба район партия комитетининг иш тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ёритиш, янги-янги ташаббусларни зўр ғайрат билан пропаганда қилиш, республика меҳнаткашларини давлатга 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» топширишдан иборат социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш таклиф қилинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети Ғалаба райони партия комитетининг 1979 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш даврида ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан белгиланган тадбирларини кўриб чиқиб, маъқуллади. Бу район ва область партия ташкилотлари учун катта шарафдир. Қарорда Ғалаба район меҳнаткашларининг КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, халқ хўжалигини юксалтиришда йил сайин юқори кўрсаткичларга эришаётганликлари мамнуният билан таъкидланади.

Бу йил район меҳнаткашлари ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 61 минг тонна, яъни пахта тайёрлаш умумий ҳажмида белгиланганидан 7 минг тонна кўп «оқ олтин» сотиш, етиштирилган жами ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териб олиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Район хўжаликлари машина теримини 25 сентябрда бошлаб, 20 кун ичида, яъни 15 октябрга қадар планни, 6—7 кундан сўнг эса юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга қарор қилдилар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ва совет органлари мутахассислар ва активлар иштирокида йиғим-терим давридаги ташкилий-оммавий, ғоявий-сиёсий ишлар комплекс планини ишлаб чиқдилар ва унинг бажарилиши юзасидан кундалик қатъий назорат ўрнатдилар. Район партия комитети коммунистларни йиғим-теримга жалб этиш тадбирларини кўриб чиқиб, 150 КПСС аъзосини ҳал қилувчи участкаларга йўллади. Уларнинг аксарият кўпчилиги тажрибали мутахассислардир. Терим транспорт отрядлари ва кўплаб звеноларда 65 та мавсумий партия группалари ташкил этилди. Йиғим-терим ишларини аниқ назорат қилиб бориш учун район партия комитетининг биринчи секретари бошлиқ штаб ишлаб турибди. Бу штаб районда ва ҳар бир хўжаликда ташкил этилган оператив группалар ишига раҳбарлик қилаётир. Агитация-пропаганда кадрлари тасдиқланиб, қўшимча халқ контроли постлари ва «Комсомол прожектори» штаблари тузилган. Хўжаликлар, бригадалар, механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақа уюштирилиб, кўчма Қизил байроқлар ва вимпеллар таъсис этилди, маънавий ва моддий рағбатлантириш шартлари ва формалари ишлаб чиқилди. Мусобақа натижаларини оммалаштириш ва йиғим-терим илғорлари тажрибасини кенг ёйиш мақсадида матбуот маркази ташкил қилинди. Барча ташкилий ва сиёсий ишлар пахтанинг юқори сифатли бўлиши, ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш ва уни юбуд қилмасликка қаратилган.

Ўзбекистон КП область комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил 14 сентябрдаги «Ғалаба райони коммунистларининг 1979 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш даври учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан ташкилий ва тарбиявий ишларни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини раҳбарлик учун ва уни тўла бажариш учун қабул қилди.

Район партия комитетларига, пахтакор хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига 20 сентябргача йиғим-терим даври учун ташкилий ва ғоявий-сиёсий ишлар комплекс планини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қароридан келиб чиқадиган вазифаларни колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликларида очиқ партия мажлисларида, бригадаларда кенг муҳокама қилиш топширилди. Ғалаба райони партия комитетининг иш тажрибасини актив қўллаб-қувватлаш ва ҳамма ерда кенг қулоч ёйдириш лозим.

Пахтакорларнинг меҳнат активлигини ошириш, барча область меҳнаткашларини пахта йиғим-терими мавсумини муваффақиятли ўтказишга, 1979 йилда ҳар бир бригада, хўжалик ва районларнинг давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини қисқа муддатларда сўзсиз бажаришга сафарбар этиш район партия комитетлари, шаҳар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Ғўзани дефолиация қилишни тезроқ тугатиш, меҳнатга яроқли кишиларни йиғим-теримга тўла сафарбар этиш, терим машиналарини ўз вақтида ишга тушириб, уларнинг юқори унум билан ишлашларини таъминлаш, давлатга пахта топширишда юксак суръатларга эришиш юзасидан зарур чоралар кўриш лозим. Йиғим-теримда коммунист ва комсомолларнинг авангардлик ролини таъминлаш муҳимдир.

Область партия комитетининг ташкилий-партиявий ишлар, пропаганда ва агитация ҳамда қишлоқ хўжалик бўлимларига область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети билан биргаликда терим мавсуми давомида қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ташкилий-оммавий, ғоявий-сиёсий ишларни кучайтиришда район партия комитетларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди.

Шаҳар ва район партия комитетларига, область қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги бошқармаларига, «Узгоскомсельхозтехника» ва «Ташзаготхлоппром» ишлаб чиқариш бирлашмаларига, саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари раҳбарлари ва партия ташкилотларига оталиқ ёрдамини кучайтириш, Ғалаба райони коммунистларининг 1979 йил пахта ҳосилини тез ва самарали йиғиштириб олиш соҳасидаги иш тажрибаларини кенг ёйишда область колхоз ва совхозларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш таклиф қилинди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига Ғалаба район партия комитети иш тажрибасини ҳар томонлама ёритиш топширилди. Колхоз, совхоз ва бригадаларнинг, илғор механизаторларнинг йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш, давлатга камида 430 минг тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажаришга қаратилган янги-янги ташаббусларини кенг пропаганда қилиш лозим.

М. А. СУСЛОВ БРЯНСККА КЕЛДИ

БРЯНСК, 17 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бугун шу ерга келди. У Брянскка Октябрь Революцияси ордени топширилишига бағишланган тантаналарда иштирок этади.

Аэропортда М. А. Суслович КПСС Брянск область комитетининг биринчи секретари Е. И. Сизенко, область ижроия комитетининг раиси И. М. Коновалов, Брянск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Войстроченко, шаҳар ижроия комитетининг раиси Е. Я. Евдокимов кутиб олдилар.

Биродарлашган шаҳарларнинг дўстлиги мустаҳкамланаверсин

17 сентябрь куни В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида бўлиб ўтган Совет —Тунис дўстлиги митингида Тунис шаҳрининг ҳокими Салоҳ Авиж гапириб, биродарлашган шаҳарларимизнинг ҳамкорлиги халқларнинг тинчлиги, ҳамжиҳатлиги ва бахт-саодати йўлида йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этамиз, деди.

Тунис шаҳар муниципалитетининг Салоҳ Авиж бошчилигидаги делегацияси республикада Ленинниинг декрети билан очилган ва яқин орада 60 йиллигини тантана билан нишонлашга тайёрланаётган кекса олий ўқув юртининг фаолияти билан танишди. Ўзбекистон пойтахти билан биродарлашган Африкадаги шаҳар вакиллари университет тарихи музейида бўлдилар, ўқитувчилар ва студентлар билан суҳбатлашдилар.

Митинг қатнашчилари Тунис меҳнаткашларига тинчлик ва тараққиёт учун курашда янги-янги муваффақиятлар тиладилар.

Университетдаги учрашув тунислик артистларнинг концертлари билан тугади.

Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар. Улар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, Ўзбекистон амалий санъат музейида бўлдилар. Делегация аъзоларининг Тошкент чинни заводи ишчилари билан, санъат усталари билан, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг активлари билан қилган суҳбатларида, бошқа учрашувлар чоғида икки шаҳарнинг мустаҳкамланаётган дўстлиги тўғрисида, ҳамкорликни кенгайтириш истаги, ер юзида тинчликни, халқлар ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга ҳамма чоралар билан ёрдам бериш ҳақидаги сўзлар эшитилди.

Тунис вакиллари Самарқандга сафар қилдилар. Улар қадимги шаҳарнинг ҳаёти билан, унинг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар.

[ЎзТАГ].

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида)

Янгийўл	0,32	1,06
Бекобод	0,25	0,86
Чиноз	0,26	0,83
Оққўрғон	0,21	0,62
Бўка	0,25	0,62
Пискент	0,15	0,41
Ўрта Чирчиқ	0,09	0,30
Коммунистик	0,03	0,06
Ғалаба	0,03	0,05
Область бўйича	0,18	0,53

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒЎЗАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН 17 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — жами (планга нисбатан процент ҳисобида).

Пискент	12,6	55,8
Бўка	16,0	54,1
Янгийўл	12,4	53,3
Бекобод	14,8	52,2
Ғалаба	15,1	47,6
Оққўрғон	13,6	47,0
Чиноз	11,6	43,2
Ўрта Чирчиқ	7,7	27,8
Коммунистик	6,8	14,7
Область бўйича	13,2	46,3

ДЕФОЛИАЦИЯ ЕРДАГИ ВОСИТАЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Тошкент областидаги Оққўрғон, Бўка, Ғалаба ва Чиноз районларининг бир қанча хўжаликлари пахтазорларига янги «ОВХ-28» маркали пуркагичлар чиқарилди. Бу йил ана шу хўжаликларда экинларнинг асосий қисмини ердаги воситалар ёрдамида дорилаш кўзда тутилган. Бу — дефолиантлар сарфини камайтириш, ғўзалардаги барглари кўпроқ тўкиш имконини беради.

(ЎзТАГ).

ЮРАК СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕБ

Кардиологларнинг IV Совет — Америка симпозиуми Тошкентда ўз ишини тугаллади. Иккала мамлакатнинг таниқли мутахассислари актуал проблема — юрак мушаги модда алмашуви билан боғлиқ «Миокард метаболизмини» муҳокама қилдилар.

СССР Фанлар академиясининг ва Медицина фанлари академиясининг академиги, Бутуниттифоқ кардиология марказининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. И. Чазов симпозиум ишига баҳо бериб қуйидагиларни айтди:

— СССР ва АҚШ кардиологларининг мазкур учрашуви инсон юрагининг соғломлиги учун курашдан иборат машаққатли йўлда қўйилган яна бир қадам бўлганлиги шубҳасиздир. Тошкентдаги учрашувда биргаликдаги ҳамкорлик натижалари тўғрисида кўпгина қизиқарли ахборотлар берилди. Жумладан, кейинги йилларда кардиологлар принцип жиҳатидан янги икки шифобахш препарат, мушак-ҳужайрасига ва юрак қон томирларига актив таъсир ўтказиш имконини берувчи иммобилизация қилувчи ферментлар деб аталмиш препаратлар яратганликлари маълум қилинди. Яна шу нарса ҳам маълум қилиндики, ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатларининг олимлари «Липосомлар» — ўзига ҳос микрокапсулалар яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Ана шу микрокапсулалар дори-дармонлар «аниқ адреса», яъни юрак ёки қон томирларининг бевосита хаста жойига етказиш проблемасини ҳал этишга ёрдам беради. Ана шуларнинг ҳаммаси медикларга ҳозирги кунда бутун дунёда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бош вазифаларнинг бири бўлиб турган юрак-қон томир касалликларини диагноз қилиш, даволаш ва олдини олишнинг янги методларини ишлаб чиқишларида ёрдам беради. Бу галги учрашув олимлар ҳамкорлигини ва дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашди.

Е. И. Чазов Ўзбекистон медикларининг ютуқларига ижобий баҳо берди. У республикада кардиологларнинг ўз мактаби таркиб топганлигини қайд этди. Республика Кардиология институти муваффақиятли равишда ўзининг дастлабки қадамларини қўймоқда. Республика мутахассислари симпозиумга иккита доклад тақдим этдилар.

Америка делегациясининг раҳбари профессор Ховард Е. Морган (у Пенсильвания штатидаги университет медицина коллежининг физиология бўлимига бошчилик қилади) бундай деди: симпозиумнинг якунларини чиқара туриб, у жуда муваффақиятли ўтди, деб айтиш мумкин. Менинг фикримча, Совет-Америка кардиологларининг ҳамкорлиги фойдали бўлиб, ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Биз Тошкентда имзоланган протокол кардиология хизматини янада ривожлантиришни ва фундаментал илмий тадқиқотларни кенгайтиришни кўзда тутади. Жумладан, юрак-қон-томир системасининг энг кўп тарқалган ва хатарли касалликлардан бири — атеросклерозни диагноз қилиш ва даволаш билан боғлиқ иккита янги проблема фундаментал илмий тадқиқотлар жумласига киритилди. Бу проблема икки йилдан кейин АҚШда ўтказиладиган навбатдаги учрашувда кўриб чиқилади.

Совет ва Америка кардиологлари республика ҳаёти билан танишдилар. Улар даволаш ва илмий-тадқиқот медицина муассасаларида бўлдилар, Ўзбекистон ССР халқ хўжалик ютуқлари виставкасини, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалини кўздан кечирдилар, Тошкент областидаги колхозларни бориб кўрдилар. Совет — Америка симпозиуми қатнашчилари Бухоро ва Самарқандда бўладилар.

[ЎзТАГ].

XVI ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ X СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Халқ депутатлари область Советининг навбатдаги X сессияси 1979 йил 22 сентябрда чақирилсин.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

— КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми талаблари асосида халқ депутатлари маҳаллий советлари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалик органлари, область колхозлари ва совхозларининг ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланишлари бўйича вазифаларни тўғрисида.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида ҳуқуқни бузишларга қарши ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш учун кураш самарадорлигини янада ошириш тадбирлари тўғрисида.

Ижроия комитет раиси:
Т. АЛИМОВ.

Ижроия комитет секретари вазифасини ижро этувчи:
Ш. ДАДАБОЕВ.

ОЛМАЛИҚ химия заводининг коллективи саккиз ойлик планни муддатидан илгари адо этди. Корхонанинг учинчи навбати ҳам лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлади. Суратда: илғор слесарь Ҳаким Газимянов.

В. Сироткин фотоси.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

АТЕИСТ ЛЕКТОРЛАР ҲАФТАЛИГИ

Ривожланган социалистик жамиятда совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси йил сайин ўсиб бормоқда. Айни вақтда партия янги замон кишисини вояга етказиш мақсадларини кўзлаб, коммунистик тарбия, жумладан, унинг ажралмас таркибий қисми бўлган илмий-атеистик пропагандани кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ҳам кишиларда илмий-материалистик дунёқарашни таркиб топтириш, етук, билимдон атеистларни, эскилик қолдиқларига қарши фаол курашчиларни тарбиялаш вазифаси қўйилган.

Шу муносабат билан кейинги вақтларда областимизда атеистик пропаганда ишлари янада жонланди. Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими, илмий атеизм бўйича илмий-методик кенгаш ҳамда область «Билим» жамияти ҳамкорликда қишлоқ районларида қатор тадбирларни амалга оширдилар. Жумладан, яқинда областимиз районларида «Атеист-лекторлар ҳафталиги» ўтказилди.

Ҳафталик давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтларининг илмий ходимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, музей ходимлари қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида ўнлаб лекция ҳамда суҳбатлар ўтказдилар. Булар асосан совет турмуш тарзи, янгича анъаналар ва урф-одатларни тарғиб ва жорий этиш, илмий атеизм масалаларига бағишланди.

Айни вақтда лекторлар ўзлари борган жойларда қишлоқ аҳлининг турмуш маданияти билан яқиндан танишдилар. Маҳаллий лекторлар ҳамда атеистларга методик жиҳатдан ёрдам бердилар, муҳим мавзуларда ўтказилган савол-жавоб кечаларида қатнашдилар. Дала шийпонларини шиорлар билан безаш бўйича маслаҳатлар бердилар, лекторларни лекция ҳамда брошюра текстлари билан таъминладилар.

Пойтахт лекторларининг чиқишлари қишлоқ меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, юридик фанлари кандидати А. Каримова, фалсафа фанлари кандидатлари М. Долиев, М. Абдурасулов, филология фанлари кандидатлари Н. Даврон, Ҳ. Ғафуров, СССР Журналистлар союзининг аъзоси М. Тонконогов, Зангиотадаги илмий атеизм уйининг раҳбари В. Маҳаматов, лектор А. Қозоқбоев, давлат санъат музейи катта илмий ходими М. Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, кекса атеист лектор З. Раҳмонзода ва бошқа қатор ўртоқларнинг лекция ҳамда суҳбатлари кўпчиликни қизиқтирди.

Тошкентлик лекторлар Калинин, Бўка, Чиноз, Пискент, Ғалаба, Тошкент районларида ўтказган ана шундай тадбирларда маҳаллий лектор ва пропагандистлар ҳам фаол иштирок этдилар. Улар лекторлик маҳорати область университетининг турмуш маданияти, янги урф-одат ва маросимлар ҳамда илмий атеизм факультетларини битириб чиққан кишилардир. Уларнинг дала шийпонларида, фермаларда, устахоналарда ва аҳоли турар-жойларида ташкил қилган лекция ҳамда суҳбатлари у ёки бу район, колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг ҳаётидан олинган фактларга бойлиги билан ажралиб турди. Маҳаллий лекторлар республика партия ҳамда ҳукуматининг Ўзбекистоннинг барча қишлоқ меҳнаткашларига қарата Мурожаати асосида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Шуниси диққатга сазоворки, пойтахтлик ва маҳаллий лекторларнинг «КПСС XXV съезди қишлоқ маданиятини ошириш тўғрисида», «Совет турмуш тарзи ва янги урф-одатлар», «Фан-техника революцияси даврида дин», «Космосни ўзлаштиришнинг атеистик жиҳатдан моҳияти», «Медицина ва дин» каби мавзуларда ўтказган лекция, суҳбат, савол-жавоб кечаларида тингловчилар актив иштирок қилишди. Улар олимларга турли мавзуларда хилма-хил саволлар бериб, қониқарли жавоб олишди.

Ана шундай илмий-атеистик мавзудаги ташвиқот ва тарғибот тадбирларини бундан буён областимиз шаҳарларида, йирик хўжаликлар ҳамда саноат корхоналари ва муассасаларда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ж. МЎМИНОВ,
область «Билим» жамияти правлениесининг референти.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ

Тошкент область партия комитети ташкилий партиявий ишлар бўлими ходимларининг бўлиб ўтган йиғилишида жойларда ҳисобот-сайлов йиғилишларининг қандай бораётганлиги муҳокама қилинди. Бўлим инструкторлари М. Мирсовуров, Т. Аҳмедов ва бошқа ўртоқлар Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Бекобод, Чилонзор, Фрунзе районларидаги партия группалари ҳамда цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши тўғрисида ахборот бердилар.

Йиғилишда партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашни яхшилаш тўғрисида КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳам муҳокама қилинди. Партия ички масалалари бўйича ҳисоб-китобнинг аҳволи юзасидан ахборот сектори мудири М. Л. Подколзина ҳисоб берди.

Йиғилишда ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири О. З. Зуфаров сўзга чиқди.

СЕКРЕТАРЛАР СОАТИ

Ҳар душанба куни Янгийўл шаҳар партия комитети биносида бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг бир соатлик машғулоти бўлади. Машғулотда ташкилий-партиявий ишларни ривожлантириш юзасидан маслаҳатлар берилади, турли мавзудаги ахборотлар тингланади.

Секретарлар соатининг навбатдаги машғулотида шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудири Г. С. Салмин партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши тўғрисида ахборот берди. Бундан олдинроқ йиғилишларнинг қандай бораётганлиги текширувдан ўтказилиб, ютуқ ва камчиликлар аниқланган эди. Бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг эътибори йўл қўйилган камчиликларни тезроқ тугатишга қаратилди.

Машғулотда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари О. И. Зокиров сўзга чиқди.

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

Ангрен шаҳар партия хўжалик активи йиғилиши қатнашчиларининг саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва маиший хизмат корхоналари коллективлари, барча меҳнаткашларга қарата мурожаати жойларда қизғин муҳокама қилинмоқда. Область бўйича 40 га яқин партия ташкилоти мурожаатни муҳокама қилиб чиқди. Уларда 600 дан ортиқ коммунист иштирок этди. Юзга яқин киши сўзга чиқиб, зиммага янги мажбуриятлар олди.

Тўқимачилик-галантерея фабрикаси коллективининг бўлиб ўтган йиғилишида қўшимча 5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва икки хил буюмни давлат Сифат белгисини олишга тайёрлашга қарор қилинди. «Узгоскомсельхозтехника» бирлашмаси район бўлимлари коллективлари планга қўшимча 2 минг сўмлик маҳсулотни реализация қилишга сўз бердилар.

Бошқа жойларда бўлган йиғилишлар ҳам ишчанлик руҳида ўтди. Ҳозир бутун эътибор қабул қилинган янги мажбуриятларни бажаришга қаратилгандир.

МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Бекобод шаҳар партия комитетида бўлиб ўтган кенгашда транспорт корхоналари коллективларининг вакиллари иштирок этдилар. Унда шаҳар давлат автоинспекцияси бошлиғи С. В. Гниломедов ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Кенгашда сўзга чиққан темирйўл ва автомобиль транспорти бирлашмаси ҳаракат хавфсизлиги бўлимининг бошлиғи Р. Д. Тё, автобус-таксомотор парки партия ташкилотининг секретари А. Муҳиддинов, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари В. А. Ким ва бошқа ўртоқлар юк оборотини тезлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташладилар.

Кенгашда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари С. Д. Мокин сўзга чиқди.

КОРХОНА БАЗАСИДА

«Ташсельмаш» заводи базасида фаолият кўрсатаётган 14-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти корхонага кўплаб токарь, слесарь, монтажчи, механик кадрлар тайёрлаб бермоқда. Эндиликда булар орасидан меҳнат донгдорлари ҳам етишиб чиқди.

Бу йил билим юрти учун юбилей йили бўлади. Шу кунларда кадрлар ўчоғининг шонли 40 йиллик тўйига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу ўтган давр ичида уни 15 мингга яқин ёш ишчи муваффақиятли тамомлади. Янги ўқув йилида эса бу ерга ўн беш мингинчи ўқувчи қабул қилинди.

БОҒЧА ҚУРИЛИШИ ТЕЗЛАШАЯПТИ

«Ташоблсельстрой» трестига қарашли 10-механизациялашган колоннанинг Д. Усмонов ва У. Жамоловлар бошлиқ бригадалари «Далварзин» ремонт заводи ишчиларининг фарзандлари учун 90 ўринли боғча қурилишини тезлаштиришяпти. Ойлик планларини ошириб бажараётган бинокорлар халқаро болалар йилида меҳнаткашлар фарзандларига муносиб совға ҳозирлашга аҳд қилганлар. Улар 1980 йил биринчи кварталида фойдаланишга топшириладиган бу объектни шу йилнинг тўртинчи квартали да битказиш учун курашмоқдалар.

М. РЎЗИМАТОВ,
Бекобод райони.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚАҲРАМОННОМА МИҚЁСЛАРИ

СТОКГОЛЬМ, 15 сентябрь. (ТАСС). Швециянинг «Корона» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китобини босиб чиқарди.

Совет кишилари қўриқ ерларни ўзлаштирганликлари тўғрисидаги ҳикоя бизнинг мамлакатимизда биринчи бор эълон қилинмоқда, деди нашриёт директори Н. О. Янсеус. Улуғвор лойиҳани амалга оширишга Л. И. Брежнев бошчилик қилди, шу боисдан ҳам унинг китоби мана шу қаҳрамонноманинг миқёсларини тўлалигича очиб беради.

Совет давлатининг урушдан кейинги ривожида қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши алоҳида ўрин олади, бу воқеанинг йигирма беш йиллиги шу йил нишонланди. Л. И. Брежневнинг эсдаликлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг китобхонлар оммасини жуда қизиқтирди. Бизнинг нашриётимиз бу эсдаликлар билан швед китобхонини таништириш зарур, деб ҳисоблади. Эсдаликлар мароқ билан кутиб олиниши шубҳасиз.

Шуни айтиб ўтмоқчиманки, Швецияда нашриётимиз илгари чиқарган «Л. И. Брежнев. Ҳаёт саҳифалари» китоби катта эътиборга сазовор бўлган эди. Тинчлик ва кескинликни юмшатиш ишига катта ҳисса қўшаётган Совет раҳбари, атоқли, давлат арбоби бу китобда ёзган сўз бошисида Совет—Швед муносабатларига юқори баҳо берди.

Биз китоб айирбошлашни халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничиликни янада мустаҳкамлаш омили деб биламиз. Швецияда совет китоби ишқибозлари кейинги йилларда анча кўпайди. Шу сабабли мамлакатнинг бошқа кўпгина нашриётлари каби «Корона» нашриёти ҳам совет адабиётини нашр этишни кенгайтирмоқда.



ФИНЛЯНДИЯ. Саймен канали ҳақли равишда СССР билан Финляндия ўртасидаги дўстликнинг ёрқин намунасидир. Бу йилги кема қатнови даврида канал орқали олиб ўтиладиган юклар ўтган йил кўрсаткичларидан анча ортиб, бир миллион тоннани ташкил этади. Яқин келажакда эса юклар ҳажмини 1,5 миллион тоннага етказиш вазифаси қўйилди. Ҳар иккала мамлакат кемалари шу канал орқали техника, ёғоч, қоғоз, кўмир ва ёқилғи ташимоқдалар. Суратда каналнинг участкаларидан бири.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ВАРШАВА. Юқори Силезиянинг Забжа шаҳридаги «Тамед» медицина ускуналари заводи «Сунъий буйрак» деган такомиллаштирилган прибор ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Аппаратнинг дастлабки туркуми мамлакат клиникаларида муваффақиятли синовдан ўтди ва юқори баҳо олди. Завод ҳар йили 200—300 та ана шундай аппарат ишлаб чиқаради.

● РИМ. Италия Компартиясининг коммунистик матбуот фондига маблағ йиғиш учун ўтказадиган ҳар йилги кампаниясининг якунловчи босқичи бошланди.

«Унита» газетасининг хабар қилишича, Италия Компартияси нашр қилаётган газета ва журналлар фондига ҳозиргача 11 миллиард 620 миллион лирадан кўпроқ маблағ тушди.

Эмилья-Романья вилоятининг федерацияси биринчи ўринда бормоқда, деб уқтиради газета.

● ПАРИЖ. Америка монополиялари Европа авиация саноатини издан чиқариш мақсадида ҳужумга ўтди, деб ёзади Франциядаги «Форум энтернасьонал» газетаси. Газетанинг фикрича, АҚШ Ғарбий Европанинг «Аэробус индастри» консорциуми мустаҳкамланиб олинишига интилмоқда. Шу мақсадда Американинг «Боинг компани» фирмаси «Аэробуслар» билан рақобат қилувчи ўз моделларини биргаликда ишлаб чиқариш учун «қўшимча пудратчиларни» зўр бериб қидирмоқда. Ҳозиргача у Италиянинг «Аэриталиа» ва Испаниянинг КАСА компанияларини ўз томонига ўтказиб олишга муваффақ бўлди. Шу муносабат билан маҳаллий обзорчиларнинг эслатиб ўтишича, «Боинг» фирмаси Европанинг «Аэробус-А-300» ва «Аэробус-310» типидаги машиналарга йўл бермаслик мақсадини кўзлаб, ўзининг «767» рақамли иккита моделини бозорга чиқарди. Америка фирмаси Европа самолёт бозорларида ҳукмронликни қўлдан бермасликка интилмоқда.

● МАПУТУ. Жанубий Африка республикасида юқумли касалликлар билан оғриётган кишиларнинг 80 проценти сил касалига чалинган. Шу дардга мубтало бўлган кишиларнинг ўндан тўққиз проценти африкаликлардир. Бу даҳшатли рақамларни ирқчи давлатдаги социал омиллар келтириб чиқарган. Расмий статистика маълумотларигагина қараганда, 3 миллион африкалик иш тополмай юрибди.

(ТАСС, 17 сентябрь).

КОНСТИТУЦИЯГА ЗИД ФАРМОЙИШ

● ТОКИО. Олий босқичдаги ўрта мактаблар муаллимларининг Умумяпония касаба союзи (НИККОКИО) сайлов кампаниясида маориф ходимларининг қатнашишини маъмурлар тақиқлаб қўйганлигига қарши норозилик билдирди. Маориф министрлигининг бундай фармойиши конституцияга зид бўлиб, инсоннинг асосий ҳуқуқларини поймол этишдир, деб таъкидлади касаба союзлари. Илғор муаллимлар ҳукумат маъмурларининг сайлов кампаниясида маориф ходимлари иштирокини чеклаб қўйишга интилишини 7 октябрда ўтказиладиган умумий парламент сайловида демократик кучларга қарши қаратилган чора, деб баҳоламоқдалар.

АФҒОНИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ВА АДР РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

ҚОБУЛ, 17 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АХДП Марказий Комитетининг секретари Шоҳ Вали раислигида Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг фавқулодда пленуми бўлиб ўтди. АХДП Марказий Комитетининг Қобул радиоси орқали эшиттирилган баёнотида уқтириб ўтилганидек, пленум Н. Таракининг илтимосномасини кўриб чиқди. Н. Тараки унда бетоблиги туфайли партия ва давлат лавозимларини бажаришни давом эттиралмаслигини маълум қилди. Пленум унинг илтимосини қондиришга қарор қилди.

Пленум АХДП Марказий Комитетининг секретари, АДР Бош Министри Х. Аминни АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Шу куни АДР Революцион Кенгашининг фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Амин Революцион Кенгашнинг Раиси қилиб сайланди.

ЁШ КОНСТРУКТОР

Ёш конструктор Достон Абдураззоқовга металл тунукаларини текислаш ва кесиш учун станок яратиш вазифасини топширишди. Бу унинг зиммасига юклатилган биринчи мустақил иш эди. Уни бажариш муддатларини белгилашди, бу темани цех планига киритишди. Станок осон тайёрланадиган, фойдаланганда пухта ишлайдиган бўлиши керак эди.

Албатта, конструктор учун тайёр ечимларни ҳеч ким айтиб бермайди. Аввало бор маълумотларни ва техник талабларни мушоҳада қилиб кўриш, бу ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибани синчковлик билан ўрганиш, техника янгиликлари билан танишиш, берилган топшириқни муддатида уддасидан чиқиш учун яна кўп нарсаларга эътибор бериш талаб қилинади.

Достон анча мураккаб ва қизиқарли бу ишга жон-дилдан киришди. У жуда кўп изланиш олиб борди. Устоз конструкторлар маслаҳатини олди, ишчилар билан ҳам суҳбатда бўлди.

Чунки, цехда тажрибали слесарлар кўп эди. Улар конструкторлар яратган барча янгиликларни ўзлари тайёрлашади, унинг нуқсонлари ва ютуқлари ҳақида яратувчиларга маслаҳатлар бериб туришади. Шунинг учун ҳам Достон тажрибали ишчилар билан яқин алоқа боғлади. Янги станок узелларининг пухта ва чидамли бўлишига ҳаракат қилди. Ишчилар кўп ўтмай ёш конструкторда ижодий изланиш, ижодий фикр юритиш дуруст эканлигига қаноат ҳосил қилдилар. Достон Абдураззоқов ҳам ишчилар ажойиб техник ижрочиларгина бўлиб қолмай балки изланувчи кишилар ҳам эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун ҳам у слесарларнинг станок конструкциясидаги камчиликлар ҳақидаги фикрларига бажонидил қулоқ солди. Ҳамма деталлар ва қисмларни улар билан бамаслаҳат тайёрлашга астойдил интилди.

Конструктор ва ишчиларнинг анча вақт давомида олиб борган изланишлари яхши якунланди. Станокнинг биринчи нусхаси тайёрланди. Энди уни синаб кўриш, фойдаланиш талабларига жавоб бериш даражасига етказиш керак эди. Айрим деталларни ўзгартиришга тўғри келди. Синаб кўриш давомида кранлари ўзгартирилди. Тормозли реверс редуктори яхшиланди. Шундан сўнг яна иккита шундай станок тайёрланди. Бу янгилик меҳнат унумдорлигини 35 процент оширди. Ҳар бир станокни жорий қилишдан кўрилган иқтисодий самара 5 минг сўмни ташкил этди.

Ёш конструкторнинг бу оддий, лекин осон тайёрланадиган станоги СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ҳам намойиш қилиниб, мутахассисларнинг юксак баҳосини олди. Конструкторга кўргазманинг кумуш медали берилди.

Ҳозир Достон Абдураззоқов яратган шу типдаги учта станок 45-цехда фойдаланилмоқда. Худди шу ерда ёш конструкторнинг ижодий изланиш маҳсули бўлган бошқа станоклар ҳам ишлатилмоқда. У яратган электр симларини ўлчовчи станок, шунингдек, қувурларни текислайдиган қурилма ишлаб турибди. 92-цехдаги пайвандлаш симини силлиқловчи, тозаловчи ва ғалтакларга ўровчи қурилма ҳам ёш конструктор томонидан ихтиро қилинган.

Достон Абдураззоқов шу кунларда колодкаларга ишлов берувчи яна бир фрезерлик қурилмаси конструкциясини тугатмоқда.

А. КАШАПОВ,
Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими.
Суратда: ёш конструктор Д. АБДУРАЗЗОҚОВ.

ХИЛМА-ХИЛ МАВЗУЛАРДА

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан сўнг Оққўрғон районида партия ташкилотларининг ана шу жуда муҳим соҳадаги фаолияти янада жонланди.

Мазкур қарор районнинг идеологик ходимлари томонидан пухта ўрганилиб, оғишмай амалга ошириш учун жанговар программа сифатида қабул қилинди ва шу асосда ҳозирда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозир районда ҳар ойда умумий сиёсий кунлар ўтказиб турилади. Шу куни 50 кишилик идеологик актив ўзларига бириктириб қўйилган колхоз ва совхозларда, корхона ва муассасаларда бўлиб, партия Марказий Комитети ҳамда ҳукумат қарорларини, партия ва давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг актуал мавзуларини кенг талқин қилмоқдалар.

Мазкур тадбирларда 230 сиёсий ахборотчи, 430 агитатор, район «Билим» жамиятининг 385 аъзоси, 25 сиёсий докладчи фаол иштирок этмоқда. Эндиликда улар ўз ишларини республика Компартияси Марказий Комитети ҳамда ҳукуматнинг барча қишлоқ меҳнаткашларига қарата Мурожаати асосида ташкил этмоқдалар. Йиғим-терим даврида дала шийпонларида партия ва давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига, ўнинчи беш йиллик улуғвор режаларини амалга ошириш борасида совет кишиларининг фидокорона меҳнати натижалари ҳамда навбатдаги вазифаларга, халқаро аҳвол масалаларига бағишланган лекция, суҳбатлар ташкил этишади, республикада, областимизда, район хўжаликларида пахта йиғим-теримининг бориши ҳақида ахборотлар бериб беришади.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.

АМЕРИКА ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБ

Ливанда чиқадиган «Айк» газетаси редакциясига 14 ёшли фаластинлик боладан хат келди. У бу хатни АҚШ президенти Ж. Картерга юборишни илтимос қилган. Хат газетада эълон қилинди. Мана унинг мазмуни:

«Жаноб президент!

Айтишларича, Исроилга қурол-яроғ бераётган одам сиз экансиз. Бу қуроллар ёрдамида фаластинликларни ўз ватанига қўйишмаяпти. Уларни лагерда отиб ўлдиришмоқда. Нима учун бундай қилиняпти — мен шуни билишни истардим.

Қариндошларим сизни Президент қилиб яна сайлашлари учун шундай йўл тутаётганлигингизни айтишди. Мен бунга ишонмайман. Чунки, инсон шу қадар золим бўлмайдику! Мен сизнинг суратингизни ҳам кўрганман. Унда сиз баджаҳл қиёфада эмассиз. Жуда кўп америкаликларни учратганман. Улар яхши одамлар. Ўзларини қандайдир бир қотил бошқаришини ёқтирадиганларга сира ҳам ўхшашмайди, улар.

Бу ҳақда мен амаким билан гаплашдим, У юқори лавозимда ўтирганлар, сизга ўхшаб, инсон тақдири ҳақида ўйламаслигини айтди. Улар ўз мақсадларига эришмоқ учун нимадир қурбон қилишлари керак бўлса, ўйлаб ўтирмай ҳамма ишни қилаверадилар, ҳатто одам ўлдиришдан ҳам тап тортишмайди, дейди у.

Бунга мен ишонмайман. Менга сиз инсон ҳаётини қадрлай оладигандек, бўлиб туюласиз. Чунки, сиз инсон ҳуқуқининг ҳимоячиси сифатида гапирасиз. Биз эса, ўз уйимизга эга бўлишни хоҳлаймиз, холос. Уйимиз эса Фаластинда. У ердан бизни қувиб чиқаришган ва қайтишимизга эса йўл беришмаяпти.

Сизнингча, биз нима қилишимиз керак?

Фаластинликлар партизанлик ҳаракатини бас қилишларини хоҳлаётганлигингизни эшитдим. Агар Исроил бизга ҳужум қилишни тўхтатса, фаластинликлар сўзсиз бу ҳаракатни тугатишларини яхши биламан. Бироқ, Исроил бизга қарши урушни бир соат ҳам, бир минут ҳам тўхтатмаяпти. У бу урушни фақатгина лагеримизга ҳаводан учиб келиб, бизга ўқ отиш билангина олиб бораётгани йўқ. У айни вақтда бизнинг ҳаётимизни яхшилаш имконини берадиган бирдамликни — биз ўзимизники деб ҳисоблайдиган ва биз мағрур ҳаёт кечира оладиган она еримизни қайтариб бермаслик учун ҳам уруш қиляпти. Агар сиз буни тушунмасангиз, биз томонларга келинг. Ҳеч бўлмаганда бир ойгина яшаб кўринг, ҳаммасини билиб оласиз.

Эҳтимол, буларнинг ҳаммаси сиз бизнинг муаммоларимизни билмаётганлигингиз туфайли содир бўлаётгандир. Мен худди шундай деб ўйлайман. Йўкса, сиз ҳаққингизда нима дейишаётган бўлса, ҳаммасига ишонаман».

...Деярли ҳар куни Исроил учувчиси бошқарадиган, АҚШ етказиб бераётган бомбардимон самолётлар Жанубий Ливандаги лагерларга ҳужум қилиб туради. Худди шу лагерларда яшаётган 10 минглаб фаластинлик болаларнинг ҳар бири бенстисно юқоридаги хатга имзо чекиши мумкин эди.

(АПН).

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МУҲОФАЗАСИ— ОСОЙИШТАЛИК МАНБАИ

Мамлакатимизда миллион-миллион кишиларнинг саботли қаҳрамонона меҳнати билан ривожланган етук социалистик жамият барпо этилди. Эндиликда совет халқи жўшқин меҳнат самарасидан тўла баҳраманд бўлмоқда. Етук социалистик жамият кишисининг бахтли ва фаровон яшаши учун барча имкониятлар мавжуд. Уларнинг ҳаммасига мамлакатимизда ҳуқуқ ва тартиботни мустаҳкамлаш, саодатбахш конституциямиз қоидаларига тўла амал қилиш туфайли эришилмоқда. Қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини яхшилаш, жамоатчилик активлигини ривожлантириш масалалари ҳамиша партия ва ҳукуматимизнинг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ—тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу қарорда ички ишлар, суд, прокуратура органлари билан биргаликда корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар, жамоатчи ташкилотлар зиммасига ҳам қонун бузувчиларга қарши кураш юзасидан катта вазифалар юкланди.

Тартиббузарлик, жиноятчиликка қарши кураш, профилактика ишларини жонли олиб бориш бўйича областимиз ички ишлар органлари, шаҳар ва районлар, қишлоқ ҳамда посёлка советлари ҳам актив иш олиб бормоқдалар. Қуйидаги материалларда областимизда олиб борилаётган профилактик ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкент область ижроия комитетининг ички ишлар бошқармасида профилактика советлари тажрибасини оммалаштирувчи семинарлар мунтазам йўлга қўйилган. Суратларда: 1. Семинарлардан бирн пайтида область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори Ғ. З. Зокиров нутқ сўзламоқда; 2. Семинар президиуми.

ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Қ. ТОШМУҲАМЕДОВ,
Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг снёсий-тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори.

ИНСОН бахт-саодатини таъминлайдиган асосий омиллардан бири осойишталиқдир. У сақланар экан, кишилар тинч, хотиржам яшайдилар. Яхшилик йўлида ўйлаган орзу-умидларини рўёбга чиқарадилар. Партия ва ҳукуматимизнинг жамоатчилик орасида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қатор қарорлари ҳамда кўрсатмаларининг муҳимлиги ҳам ана шунда ўз ифодасини топади. КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ — тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги яқинда қабул қилган қарори бу жиҳатдан муҳим ҳужжатдир. Бунда гуллаб-яшнаётган социалистик жамиятимиз фуқаролигининг мавқеини муҳофаза этиш постида турган прокуратура, ички ишлар, юстиция органлари ва халқ судларининг фаолиятини такомиллаштириш зарур эканлигига алоҳида эътибор берилди.

Қарорга кўра партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқ — тартиботни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни бузишларга қарши кураш масалаларини мунтазам равишда кўриб чиқиш, ҳуқуқларни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда бу ишни яхшилаш ҳамда самарадорлигини ошириш юзасидан катта режалар тузиб олмоқдалар. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида жамоат тартибини муҳофаза қилиш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда.

Қатор корхона, ташкилот, муассаса, қурилиш ва колхоз, совхозлар коллективларида тартиббузарликка қарши курашда қулай формалардан фойдаланилаётир. Профилактика советларининг иши тобора активлашмоқда. Бундай совет биринчи бор 1971 йили областимизнинг Янгийўл шаҳридаги пойафзал фабрикасида ташкил топган эди. Ҳозирги кунда мавжуд 700 га яқин совет ишида 4 мингдан кўпроқ маҳаллий активлар фаол қатнашмоқдалар. Уларга партия комитетлари, партия ташкилотлари жуда яқиндан ёрдам бераётирлар. Тарбия борасида ундан кейинги қулай формалардан бири жамоатчилик асосидаги тартиб сақлаш пунктларининг вужудга келиши бўлди. Пунктларнинг асосий вазифаси ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтиришда милиция органлари ишини кенг жамоатчилик билан — турар-жойдан фойдаланиш корхоналари, уй бошқармалари, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари, юридик консультация ходимлари фаолияти билан боғлиқ ҳолда олиб боришдир.

Тартиб бузиш, қонунга хилоф иш тутиш ҳолларининг олдини олишда участка инспекторлари зиммасига юклатиладиган вазифа нигоҳоятда масъулиятли. Чунки улар ҳар куни омма ўртасида бўладилар, кишиларнинг ҳатти-ҳаракатини яхши биладилар.

Областимизда ўз ишига масъулият билан ёндошиб, профилактик тадбирларни изчил амалга ошираётган инспекторлар анчагина. Коммунистик район ички ишлар бўлимининг участка инспектори, милиция капитани Сабретдин Ғапарович Носировнинг осойишталик ҳимоячиси либосини кийганига ўн уч йил бўлди. Шундан ярмини у инспекторлик лавозимида ўтказмоқда. Бу вақт мобайнида С. Носиров анчагина изланди. Ўзи хизмат қилаётган территориядаги корхоналар, савдо точкалари ва колхозларда яшаётган кишиларнинг ҳулқ-атвори билан танишди. Айниқса, «Политотдел» колхозининг марказида тартиботни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Инспекторнинг ташаббуси ва ҳаракати билан бу ерда тартибни сақлаш бўйича жамоат пункти ташкил этилди. Тез орада бу жой тарбия ўчогига айланди. 1973 йили пункт иши билан СССР ички ишлар министри Николай Анисимович Шчелоков танишди ва унинг фаолиятини юксак баҳолади.

Участка инспектори ўз ишини план асосида олиб бормоқда. У гражданларни қабул қилиш, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишни ўзининг шарафли бурчи деб билади. Бу ҳислатлари учун милиция ходими СССР ва Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги ҳамда область ички ишлар бошқармаси томонидан бир неча бор рағбатлантирилган.

Бизнинг областимизда милиция аълочиси С. Носиров каби ўз хизматига меҳр қўйган инспекторлар анчагина. Улар ҳар қандай ишни тезкорлик билан ҳал этишлари, ўз фаолиятларини омма билан боғлиқ ҳолда олиб боришлари туфайли обрў-эътибор топмоқдалар.

Шонли КПСС Марказий Комитетининг қарорида халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига совет органларининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги роли ва жавобгарлигини ошириш, доимий комиссиялар, депутатлар группалари ва ҳар бир депутатнинг бу ишдаги активлигини кучайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Областимиз маҳаллий Советлари бу борада анчагина ишларни амалга оширдилар. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масаласи шаҳар ва районлар Советларининг сессияларида, доимий комиссияларнинг кенгашларида муҳокама этилаётир. Қишлоқ ва посёлка Советлари қошида безорилик, тартиббузарликнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик советларининг иши янада жонланиб кетди. Тошкент районидаги Ҳасанбой, Оржоникидзе районидаги Дўрмон, Коммунистик районидаги Бордонқўл, Оҳангарон районидаги Қорахитой қишлоқ Советларида эса оқсоқоллар совети фаолият кўрсатяпти. Улар балогатга етмаган ёшлар билан ишлаш, нотўғри йўлга кириб қолган ўсмирларни изга солишда ички ишлар органларига катта ёрдам бераяптилар.

Кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ҳамманинг бурчидир. Шундай экан, жойлардаги корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ички ишлар органларининг ҳизматчилари билан ҳамкорликда профилактика ишларини юқсак даражада олиб боришлари керак. Улар ўз эътиборларини жамоатчиликка зарар етказадиган ҳолатларни бартараф этишга қаратмоқлари лозим. Бунинг учун меҳнат жойларида, аҳоли пунктларида совет қонунчилиги асосларини ўрганишни актив йўлга қўйиш зарур. Шундагина биз ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасида партия ва ҳукуматимиз олдимизга қўяётган вазифаларни бажариш шарафига муносиб бўламиз.

КПСС Марказий Комитетининг катта аҳамият касб этувчи бу қарори безорилик, тартиббузарлик, қонунга хилоф иш тутиш ҳолларини анчагина ишларни амалга оширдилар. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масаласи шаҳар ва районлар Советларининг сессияларида, доимий комиссияларнинг кенгашларида муҳокама этилаётир. Қишлоқ ва посёлка Советлари қошида безорилик, тартиббузарликнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик советларининг иши янада жонланиб кетди. Тошкент районидаги Ҳасанбой, Оржоникидзе районидаги Дўрмон, Коммунистик районидаги Бордонқўл, Оҳангарон районидаги Қорахитой қишлоқ Советларида эса оқсоқоллар совети фаолият кўрсатяпти. Улар балогатга етмаган ёшлар билан ишлаш, нотўғри йўлга кириб қолган ўсмирларни изга солишда ички ишлар органларига катта ёрдам бераяптилар.

Кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ҳамманинг бурчидир. Шундай экан, жойлардаги корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ички ишлар органларининг ҳизматчилари билан ҳамкорликда профилактика ишларини юқсак даражада олиб боришлари керак. Улар ўз эътиборларини жамоатчиликка зарар етказадиган ҳолатларни бартараф этишга қаратмоқлари лозим. Бунинг учун меҳнат жойларида, аҳоли пунктларида совет қонунчилиги асосларини ўрганишни актив йўлга қўйиш зарур. Шундагина биз ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасида партия ва ҳукуматимиз олдимизга қўяётган вазифаларни бажариш шарафига муносиб бўламиз.

КПСС Марказий Комитетининг катта аҳамият касб этувчи бу қарори безорилик, тартиббузарлик, қонунга хилоф иш тутиш ҳолларини янада мустаҳкамлаш, қонунларни бузишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори, — дейди қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси А. Нортоев, — маҳаллий Советлар зиммасига ҳам улкан вазифалар юклади. Биз бундан буён депутатлар эътиборини Совет қонунларини янада мустаҳкамлаш, аҳоли орасида бу қонунларга тўла риоя этишни таъминлаш юзасидан изчил иш олиб боришга қаратамиз.

ДЕПУТАТЛАР АКТИВЛИГИДА

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР, МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ КУЧ-ҒАЙРАТИ ОИЛАВИЙ ВА МАИШИЙ МУНОСАБАТЛАР ЗАМИНИДА РЎЙ БЕРАДИГАН ҲАР ҚАНДАЙ МОЖАРОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА АКТИВ САФАРБАР ҚИЛИНСИН, БУНДА ЗАРУР ОДОБ ДОИРАСИДА ЭЪТИБОР БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори фикридан).

Бордонқўл қишлоқ Советида ҳуқуқ ва тартиботни мустаҳкамлаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Сессияларда, ижроия комитетнинг кенгашларида бу мавзу бир неча бор муҳокама этилди. Депутатлар кейинги аҳвонманларидан бирида оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этишни яхшилаш, мактабгача болалар тарбиясини янада ривожлантириш ва таъминлаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласини кўриб чиқдилар.

Кейинги йиллар ичида қишлоқда болалар учун кўплаб боғча ва яслилар қуриб фойдаланишга топширилди. Оналарнинг саломатлигини назорат қилиб бориш ишлари мунтазам йўлга қўйилди.

Қишлоқ Советининг доимий комиссиялари хотин-қизларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиши бўйича ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ ва тартиботни янада мустаҳкамлаш, қонунларни бузишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори, — дейди қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси А. Нортоев, — маҳаллий Советлар зиммасига ҳам улкан вазифалар юклади. Биз бундан буён депутатлар эътиборини Совет қонунларини янада мустаҳкамлаш, аҳоли орасида бу қонунларга тўла риоя этишни таъминлаш юзасидан изчил иш олиб боришга қаратамиз.

ҲАМИША ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

З. ЗИЕВ,
Тошкент район ички ишлар бўлимининг участка инспектори, милиция капитани

Янгирма йилдирки, Ҳасанбой, Юнусобод, Гулистон қишлоқ Советлари территориясида хизмат қиламан. Шу давр давомида аҳолининг яшаш шароити, турмуш тарзини анча ўрганиб чиқдим. Ана шу тажрибам асосида системали равишда тартиб бузиб келаётганларни аниқ ҳисобга олиш имкони туғилди. Ҳозирги пайтда улар билан таянч пунктида мунтазам суҳбатлар ўтказамиз. Уларнинг оилавий, моддий шароитларини ўрганиб, тарбия ишларини олиб бормоқдамиз.

Менга биркитилган участкадаги рўй бераётган маиший жанжалларнинг олдини олишда жамоатчилик жуда катта ёрдам кўрсатмоқда. Айниқса, «ЎзССР 50 йиллиги» колхозида ташкил этилган оқсоқоллар советининг бу борадаги хизмати эътиборга лойиқдир.

Уй-рўзғор жанжалларини батафсил таҳлил қилиб, моддий жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлган оилалар учун гамхўрлик кўрсатиш юзасидан колхозлар правлениеларига мурожаат қилган пайтларимиз ҳам бўлди.

Ўтган йилнинг май ойида озодликдан маҳрум этилган Туробжон Х. қайтиб келгандан сўнг спиртли ичимликлар ичишни тўхтатмади, қариндошлари билан бўлар-бўлмасга тўполон чиқараверди. Бу давр давомида у бирор ерда ишлашни хаёлига келтирмади. Шундан сўнг Туробжон оқсоқоллар Совети кенгашига чақирилди. Кенгашда Туробжоннинг аҳлоқи муҳокама қилинди. Эндиликда у меҳнат билан шуғулланмоқда.

Халқ депутатлари Юнусобод қишлоқ совети территориясида яшовчи Тоҳир Қ. доимий равишда спиртли ичимликларни ичиб, оилада турли жанжаллар кўтарадиган одатлар чиқарди. Жамоатчилик тартибини бузганлиги учун бир неча маротаба тартибга чақирилди. Бу чоралар ўз натижаларини бермади. Шундан сўнг биз оталиққа олишни ташкил қилдик. Юнусобод қишлоқ советининг раиси Ш. Эшбоевни бу ишга тайин этдик. Бунинг натижасида Тоҳир ўз йўлини топиб олди.

Дарҳон посёлкасида индивидуал профилактик ишларни олиб боришда ўрта Осиё ўрмон хўжалик илмий текшириш институти партия комитети секретари М. Махзумова, турмуш тартибузарлигига қарши кураш секциясининг бошлиғи К. Усмонов ўртоқларнинг ёрдами яхши натижа бермоқда.

Аҳлоқ нормаларига хилоф иш тутадиган баъзи оилаларга эътиборимизни кучайтирганмиз. Балоғатга етмаган болалар инспекцияси билан биргаликда қийин тарбияланадиган ўсмирларга таъсир ўтказмоқдамиз.

Уларнинг ҳунар-техника билим юртларига, интернатларга, ҳарбий-спорт лагерларига жойлаштиришда кўмаклашамиз. Жамоатчиликнинг актив ёрдами туфайли мен инспекторлик қиладиган территорияда тартиббузарлик, уй-рўзғор жанжаллари сингари кўнгилсиз ҳолатлар кескин камайди.

ҲАМКОРЛИК

ЎСМИРЛАР АҲЛОҚИ ЭЪТИБОРДА

Б. ДАВЛАТЯРОВ,
Оржоникидзе район ички ишлар бўлимининг инспектори, милиция лейтенанти

Мен Оржоникидзе районига қарашли Салор посёлкасининг ТашГРЭС участкасида хизмат қиламан. Ишлаб турган еримда 30 мингга яқин аҳоли яшайди. Улар орасида ўсмирлар ҳам анчагина. Участкада содир бўлаётган қонунбузарликларни анализ қилганда шунинг гувоҳи бўлдикки, ўсмирлар ўртасида кейинги вақтларда жиноят кўпроқ учрамоқда. Буни ҳисобга олиб биз болатат ёшига етмаган болалар ишлари бўйича инспекция ходимлари билан биргаликда ёшлар ўртасидаги безорилик ва жиноий ишларга қарши кураш олиб бормоқдамиз.

Биз болалар тарбиясини яхшилаш учун уларни спорт секциялари, бадиий тўгаракларга кенг жалб этмоқдамиз. Участкада ўсмирлар клуби ташкил этилган бўлиб, унга ташкилотчи-педагог В. О. Симонова раҳбарлик қиляпти. Болалар бўш ерда спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланадилар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ўсмирлар тарбиясини яхшилашга ёрдам бераётир.

Биринчи навбатда қонунга хилоф ҳолатларнинг сабаби, шароитини текшириб, уларга тегишли чоралар кўрмоқдамиз. Бунда безорилик қилган шахсларнинг иш ва ўқиш жойларига маълум қилиш методи қўл келмоқда. Ёшлар тарбиясига яхши эътибор бермаётган ота-оналар билан суҳбатлар ўтказилаётир. Ичкиликка берилиб кетган баъзи оилалар профилактик ҳисобга олинган.

Ўз салбий ҳислатлари туфайли фарзандларини ёмон йўлга бошловчи баъзи ота-оналар билан мунтазам суҳбат ўтказамиз, уларни назорат қилиб борамиз.

Валерий Т. деган ўсмирнинг оиласида ёмон шароит вужудга келганди. Отаси спиртли ичимликларни ичишга руҳу қўйган, бу эса оилада жанжалларнинг туғилишига сабаб бўларди. Тез орада ота-она ажрашиб отаси бошқа шаҳарга кўчиб кетди, бола эса онаси билан қолди. Онаси ҳам алкоголизм ичимликларга ихлос қўя бошлади. У ўз фарзандининг тарбиясига мутлақо бефарқ қаради. Ўсмир мактабдаги ўқишини ташлади, гоҳгоҳида уйга келмай қўядиган одатларни чиқарди.

Район прокуратураси комиссияси қабул қилган қарори билан боланинг тарбияси ТашГРЭС посёлкасида иститомат қилувчи бувисига топширилди ва унинг устидан ўқув ва яшаш жойида доимий назорат ўрнатилди. Бу ёрдам туфайли Валерий Т. ҳақиқий инсоний йўлга кириб олди.

Яна бир бошқа мисол. Леонид К. исмли бола бир группа вояга етмаган тенгқурлари билан 104-ГПТУда безорилик билан шуғулана бошлади. Тез орада унинг айблари очилиб, бизнинг кўрсатмамиз билан мактабда муҳокама қилинди. Эндиликда у яхши ўқувчилар қаторидан ўрин олган.

ШАРАФЛИ ВАЗИФА

Қўчқор ЮСУПОВ,
ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ ПРОКУРОРИ, АДЛИЯ МАСЛАҲАТЧИСИ

Совет халқи КПСС XXV съезди қарорлари асосида коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёд этиш учун зўр шижоат билан курашяпти. Ишчилар, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати, ижодий изланишлари туфайли Ватанимиз иқтисодий қудрати тобора ошмоқда, моддий неъматлар яратиш кўпайиб боряпти.

Бу социалистик мулк — халқ бойлигидир. Уни кўз қорачиғидек асраш эса прокуратура ходимларининг шарафли бурчи ҳисобланади. Бу КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида алоҳида таъкидланди. Унда «Социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя этиш устидан прокурор томонидан қатъий ва принципиал назорат кучайтирилсин», дейилади.

Районимиз прокуратураси ходимлари бу кўрсатмалари асосида социалистик мулкни муҳофаза қилиш қонунларига қандай амал қилинаётганлигини доимий назорат қилиб бораётирлар. Район хўжаликлари, корхоналари ва ташкилотларида ўтказилган текширишлар ҳамма жойда ҳам қонунчиликка қатъий риоя қилинмоқда, деб бўлмаслигини кўрсатди. Айниқса, савдо ва қурилиш ташкилотларида социалистик мулкка кўз олайтириш ҳолларига барҳам берилмаган.

Биз район тайёрлов идорасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини турли баҳоналар билан ҳисобдан чиқариб юбориш ҳолларини аниқладик. Жумладан, бу ерда Жўраев мудирлик қилаётган омбордан 14 тонна-га яқин картошка «чириб кетди» баҳонаси билан қонунга хилоф равишда ҳисобдан чиқарилган. Район прокуратураси бу актларни синчиклаб текшириб чиқиб, уларни бекор қилди ва омбор мудири устидан жиноий иш қўзғатди.

Шуни айтиш керакки, бундай жиноятларнинг содир бўлишига кўп ҳолларда хўжалик, корхона ва ташкилотларда социалистик мулкни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга амал қилмаслик сабаб бўлади. Биз кейинги пайтларда район матлубот союзига қарашли бир неча магазинларда камоматларга йўл қўйилганлигини аниқладик. Бунинг сабабларини текшириш матлубот союзидаги ревизия аппарати ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлигини кўрсатди. Чунончи, савдо шоҳобчаларида ревизияларни ўтказиш муддатларига риоя қилинмас, улар юзаки олиб борилар экан. Бунда магазинларда камомат аниқланган тақдирда ҳам уларни хаспўшлаб ўтиш ҳоллари учраб турар экан. Масалан, «Халқобод» ширчилар кооперациясига қарашли 29-магазинда ревизия ўтказилганда 3 минг сўмдан кўпроқ камомат аниқланган. Бироқ, ревизорлар камомат тўғрисидаги ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирмаганлар. Оқибатда магазин мудири бу камомат ўрнини тўлдиришга улгурган. Фақат прокуратура ходимларининг аралашувигина бу жиноятнинг олдини олиш имконини берди.

Район прокуратураси яқинда «Ташоблколхозстрой»га қарашли 74-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннада социалистик мулкни муҳофаза қилиш қонунларига риоя қилинишини текшириб, бу ерда ҳам жиддий камчиликларни аниқлади. Колоннада қонунга хилоф равишда колхоз ва совхозларга олиб бориладиган қурилишларга мўлжалланган 90 минг сўмлик қурилиш материаллари четга сотиб юборилган. Колонна бош бухгалтери Далабоев эса ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, давлат кассасидаги 5,5 минг сўм пулни ўзлаштирган. Биз бу қонунбузарлар устидан жиноий иш қўзғатдик.

Жиноятларнинг олдини олиш прокуратура ходимларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг учун биз қонунчиликка амал қилинишини назорат қилиш билан бирга жиноятларнинг сабабини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга ҳам катта эътибор бераяпмиз. Прокуратура назорати натижалари бўйича бир кейинги пайтда район совет, хўжалик органларига, колхоз, совхозлар, корхона ва ташкилотларга тақдимномалар жўнатдик. Уларда қонунбузарлик ҳолларини ва сабабларини батафсил кўрсатиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг қарори олдимизга янги масъулиятли вазифаларни қўйди. Уларни муваффақиятли ҳал этишни ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб биламиз.

Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлими хизматчилари КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ равишда социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар жамоатчиликнинг активлигига таянган ҳолда совет қонунларига риоя этишни таъминлаш, безорилик, ички-ликбозлик сингари иллатларга барҳам бериш учун актив курашмоқдалар.

Жамоат тартибини мустаҳкамлашда старший лейтенантлар Худойберди Жонбердиев, Абдуқаҳҳор Носиров, лейтенант Йўлдош Турғунбоев сингари участка инспекторларининг тажрибаси оммалаштирилмоқда.

Район милиция хизматчилари 1979 йилнинг биринчи ярмида социалистик мусобақа ғолиби бўлиб, область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги қарори» асосида янги вазифалар юкладилар. Улар бу ҳужжатни ўзлари учун муҳим дастуруламал деб билган ҳолда уни қаётга татбиқ этмоқдалар. Суратда: район ички ишлар бўлими бошлиғининг снёсий ишлар бўйича ўринбосари милиция капитани Комилжон Шокиров [ўртада] хизматчилар билан суҳбат пайтида.

А. Абалян фотоси.

ТАРБИЯ МАСКАНИ

Яқинда Тошкент шаҳар Киров районидаги Тельман номли маҳалла клубида КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, снёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини ўрганиш ва амалда жорий этиш мавзусида йиғилиш бўлиб ўтган эди.

Шу йиғилишда бундан буён клубда ҳар ойда икки марта лекция ва суҳбатлар уюштириб турилиши маълум қилинди. Шундан бери бу ерда ўтказилган лекциялар меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш ишига бағишланди. Янгича урф-одатларни ҳаётга тадбиқ этиб бориш хусусида ҳам бир қатор лекциялар бўлиб ўтди.

Лекциялар маҳалланинг эътиборли кишилари томонидан ўқилди. Киров район партия комитети ушбу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаганидан руҳланган маҳалла аҳли навбатдаги суҳбатга маҳалла территориясида жойлашган 70-мактабнинг 9—10-синф ўқувчилари таклиф этди. Ёшлар ҳузурида сўзга чиққан шу мактабнинг илмий бўлим мудири С. Иброҳимов ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда идеологик тарбиявий ишларнинг самаралари хусусида қизиқарли суҳбат ўтказди.

Маҳалла активларидан адлия хизматчиси Мирсоат Шомуродов клубда йиғилган ёшлар эътиборини совет қонунларини ўрганиш ва ҳурмат қилишга қаратди.

Маҳалла — тарбия масканидир. Шунинг учун ҳам биз, — деди М. Шомуродов ўз сўзида, — бу ерда ҳуқуқ тартиботга оид ишларни кучайтиришимиз, ички-ликбозлик, безорилик, жамоат тартибини бузиш каби ўтмишнинг ярамас сарқитларини йўқотиш учун муросасиз кураш олиб боришимиз даркор.

Маҳалла клубида ўтказилиб келинаётган ана шундай йиғилишлар ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйишда анча аҳамиятли ва зарур ишлардан биридир, — деди маҳалла комитетининг раиси Т. Усмонов. — Лекция ва суҳбатларни янада қизиқарли ўтказиш учун навбатдаги йиғилишга кўпроқ олимлар, малакали лекторларни таклиф этиш кўзда тутилган.

ИШ КУНЛАРИ КЕЛТИРГАН БАЙРАМ

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Ҳозирча зал жим-жит. Фақат супачаларда зевслар, вольтерлар, апполонларнинг гипсдан тайёрланган бош тасвирлари оқариб турипти. Бурчак бўйлаб махсус курсиларда эса ҳайвонот оламининг вакиллари — каптарлар, қарғалар, қарчиғайлар ва қуёнларни кўриш мумкин. Столлар ёнида помидорлар, шафтолилар, олмалар кўзга ташланади. Албатта, булар ҳақиқий эмас, хомаки нусҳалари:

— Хазинамиз бой, тўғри эмасми?— деди ғурурини яширишга уриниб халқ тасвирий санъати студиясининг раҳбари Яков Львович Фрумгарц.— Мана, унинг хўжайинлари...

Оддий дарс бесаранжомлиги бошланди ва бир неча минут ўтиб кетгандан кейин хомаки расмлар солинадиган қутиларни очиб студия қатнашчилари уларга қоғозларини ёпиштиришга киришдилар. Студия раҳбари эса ёнига бориб, ҳар бирига вазифа берарди. Шундай қилиб, Тўқимачилар маданият саройи ҳузуридаги халқ тасвирий санъати студиясининг навбатдаги машғулоти бошланди.

Студия кичкинагина тўгаракдан етишиб чиққан. Бундан 28 йил муқаддам студия раҳбари Я. Л. Фрумгарц ўзининг биринчи машғулотига келганди.

— Халқ тасвирий санъати студиясининг вазифаси шундан иборатки, ҳар бир студия иштирокчисининг рассомлик дидини юксалтиришга яқиндан кўмаклашиш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва ижодини ойдинлаштиришдир. Шунинг учун ҳам ўқиш программаси студия аъзоларини тасвирий санъатнинг алифбеси билан таништиришдан тортиб, шаҳар музейларига, тасвирий санъат кўргазмаларига бошлаб боришни ҳам, таниқли рассомлар ва мутахассислар билан учрашишни ҳам ўз ичига олади. Бу ерда асосий эътибор расмлар чизишга, аслига қараб ҳайкаллар ясашга қаратилади. Аста-секин ҳаваскор рассомларда кўриш, кузатиш, нарсаларнинг ранги ва кўринишини ҳис этиш қобилияти ўса боради. Айрим машғулотлар махсус мавзуга бағишланади. Жумладан, ранг ва композиция устида ишлаш. Қўлланиб келинаётган анъана бўйича ҳар бир дарс янги расмларни, акварелда чизилган варақаларни кўриб чиқиш ва муҳокама этишдан бошланади. Бундай дўстона мунозара фақат асар муаллифлари учун фойдали бўлибгина қолмасдан студиянинг барча аъзоларига ҳам сабоқдир. Улар чуқур ўрганишга, тасвирий санъатни мутахассисона фарқ этишга одатланадилар. Кичик муҳокама расм, композиция проблемалари ҳақидаги катта суҳбатга айланиб кетади.

Ҳаваскор рассомларнинг асарларини пропаганда этишнинг муваффақиятли усулларидан бири маданият саройининг ўзида мунтазам ўтказилаётган кўргазмадир. 28 йил ичида 50 дан ортиқ кўргазма ташкил этилди, шу жумладан 22 таси шахсий, яъни маълум бир ижодкор асарларига бағишланди.

1967 йилда бу тасвирий санъат студияси Бутуниттифоқ ҳаваскор рассомлар фестивалининг лауреати бўлди, фестивалнинг катта медали билан мукофотланди. Ўша йилнинг ўзида Ўзбекистон Касаба союзлари Советининг қарорига биноан студия коллективига «Халқ тасвирий санъати студияси» деган юксак унвон берилди. 1971 йилдан эса халқ тасвирий санъати студияси коллективи ёшларни тарбиялашдаги кўп йиллик ва самарали фаолияти учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Студия қатнашчилари билан Тўқимачилик комбинатининг ишчилари ўртасида мустаҳкам дўстона алоқа ўрнатилган. Ҳаваскор рассомлар ип йигирувчилар, тўқувчилар, мастер ва инженерлар билан тез-тез учрашиб туришади, мунтазам равишда улар олдида ижодий ҳисобот беришади, ўзлари яратган асарлар билан таништириб боришади. Студия иштирокчилари — ҳаваскор рассомлар ва ҳайкалтарошлар тўқимачилар ҳақида бир қатор портретлар, расмлар чизишди. Айниқса, ҳайкалтарошлар яратган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева, Лидия Казанцева, М. Йўлдошева, мастер ёрдамчиси Д. Юнусов, комбинатнинг кекса тўқувчиси В. Солдатова ҳамда А. Маер, кекса мутахассис А. Турков ва бошқаларнинг портретлари диққатга сазовор. Шуни қайд этиш лозимки, ҳозир ўттизта бешйиллик қаҳрамонларининг бюсти тайёрлаб қўйилган. Бу ҳайкалтарошликка оид портретлар галереясини яратганлар орасида инженер-конструктор С. Черепанов, созловчи В. Нуритдинов, «Миконд» заводи мастери М. Алимов, қурувчи Ю. Левочкин, техника фанлари кандидати Р. Савельевалар ҳам бор.

1954 йили Москвада уюштирилган «Меҳнатга шон-шараф» Бутуниттифоқ кўргазмасида студия ҳаваскорларининг 103 та ижодий иши намойиш этилган эди.

Студия талабаларининг бир қанча асарлари бошқа ҳаваскор рассомлар асарлари билан биргаликда Чехословакия, Польша, ГДР, ГФР ва Англия каби чет мамлакатларда ҳам намойиш этилди.

Ҳаваскорлар коллективининг муваффақияти нимада? Тўқимачилар маданият саройи ҳузуридаги бу студияни бутун бир ўқув комбинати дейиш мумкин. Унинг ўн битта хонаси бўлиб, саккиз бўлим мунтазам ижодий иш билан машғул. Тўрт тажрибали педагог машғулот олиб оради. Студияда ҳайкалтарошлик дастгоҳлари мавжуд, ёғочга ишлов берувчи махсус универсал дастгоҳлар, металлни кислота билан ювувчи ванналар, лой ва сополларни куйдирувчи муфель ўрнатилган электропечлар бор. Халқ тасвирий санъати студиясида 200 дан зиёд талаба сураткашлик, ганчбандлик, сополчилик, кандакорлик, линогравюра ва ёғочга нақш ўйиш бўйича таҳсил кўрмоқда. Уларга барча шароит яратилган. Шунинг учун ҳам студиянинг муваффақияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳар йили маданият саройида бир неча марта ижодий ҳисобот ўтказилади. Ижодий ҳисоботга ҳамиша кўплаб томошабинлар келишади.

— Балки ҳеч нарса бу қизиқишдек кишиларни бунчалик бир-бирига яқинлаштирмаса керак,— дейди Яков Львович Фрумгарц.— Биз фақат студиядагина учрашиб қолмаймиз. Баҳор келиши билан шанба ёки якшанба кунлари этюдлар учун далага жўнаймиз. Албатта, студияга қатнашувчиларнинг ҳаммаси ҳам рассом ёки ҳайкалтарош бўлиб кетавермайди. Бу муҳим ва асосий масала эмас. Энг муҳими шундаки, ёшларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва гўзалликни кўра билиш ва тушунишга ўргатишдир. Уларнинг буни тўла англаб етиши студиядаги иш кунлари олиб келган улкан байрамдир.

Дарҳақиқат, худди мана шу интилиш 28 йилдан буён Я. Л. Фрумгарцни ўзининг бўш вақтларини ана шундай мазмунли ўтказишга даъват этиб келади.

Бу халқ студияси 1979 йилда бериладиган Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Бизнингча, Тўқимачилар маданият саройи халқ тасвирий санъати студиясининг номзод қилиб кўрсатилиши айни муддао.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
СССР Рассомлар Союзи аъзоси,
Э. МУҲАМЕДОВ,
СССР журналистлар союзи аъзоси.

ТОШКЕНТДАГИ 4-ҳунар-техника билим юртини ҳар йили алоқа мутахассислиги бўйича юзлаб ўқувчилар битириб чиқаяпти. Суратда: иккинчи курс талабалари телефон-автоматика кабинетида дарс ўтишмоқда.

Е. Ботиров фотоси.

◆

РАУФ Собиров Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг пешқадам ишчиси. Читга гул босувчи бу йигит смена топшириқларини мунтазам бир ярим-икки баравар етказиб бажармоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

ТЎЁНА ҚИММАТГА ТУШДИ

Тўй яхши нарса. Лекин, олди-бердиси кўп ортиқча иш-да. Агар тўёна деб аталадиган «оғир юк» бўлмаганда, Тиллабой Раҳимбоев жиноий ишга қўл урмаган бўлармиди?...

Дабдурустдан хотинининг қариндошларидан бири тўй қиладиган бўлиб қолди. Хотинининг уруғи нозик бўлади. Данғиллама тўй қилса-ю, куёв деган қуруқ бораверадими? Пул кетса кетсин, лекин обрў кетмасин. Тиллабой мана шу ҳаёллар билан қўшнисининг уйига чиқиб, қўйини 240 сўмга баҳолади. — 50 сўмини нақд бериб, қолганини насия деб, қўйни олиб чиқиб кетди.

Ялтириб турган, думбали қўйни тўйхонага олиб кирганда унинг обрўси ҳам, бўйи ҳам бир қарич ўсгандек бўлди. Мулозаматлар ҳам совғага яраша. Тўй эгалари оғзида куёв Тиллабой. Одамгарчилик дегани шундай бўлибди-да!

Лекин, куёвнинг чеҳраси очилмас, бошини қуйи солганича ер чизар эди. У шу ўтиришда қарздан қандай қилиб қутилиш йўлини ахтарарди. Йигитга жуда қийин бўлди. Бунинг устига ишсиз, иш жойидан ҳисоб-китоб қилиб қўйган. Пулни қаердан олади? Бу ҳаёллар уни тўйда ҳам, тўйдан кейин ҳам кўп қийнади.

Уйчи уйлагунча, таваккалчи ишини битирган экан. Тиллабой ҳам, таваккал, деб ўғрилликка қўл уришга жазм қилди. У шум ниятини дилига тугиб, уйидан Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози томон йўл олди.

Баъзи одамлар жуда танти, ишонувчан бўлишади. Ўзларига эҳтиёт бўлмайдилар, қўшнини ўғри тутмайдилар. Тўлқин Ортиқов ҳам ана шундайлардан. У умумий нархи 600 сўмлик тўртта қўйини олмазорга боғлаб қўйиб, бамайлихотир юраверди.

Ана шу қўйлар кутилмаганда Тиллабой Раҳимбоевнинг олдидан чиқиб қолди. Қуёш терак бўйи тикка келган. Теварак-атрофда ҳеч ким йўқ. Пайтдан фойдаланган Тиллабой қўйларни олмазор ичкарисига қараб ҳайдаб кетаверди. Анчагина йўл юриб, область бирлашган касалхонаси ёнидаги Бўзсув канали ёнидан чиқиб қолди. Иш бир юришса, юришаверар экан. Бахтни қарангки, шу район «Спецкоопторг» бошқармасига қарашли 88-31 ТШЖ номерли ГАЗ-52 автолавкаси шофёри Муҳаммадқосим Исмоилов худди уни кутгандек, сув бўйида ўтирар эди. Ўғри уйдаги қўйлар ечилиб кетиб, тоза сарсон қилганлиги, базўр боғ ичидан топганлигидан ҳасрат қилиб қолди. Ўзини бечора қилиб кўрсатди. Ёрдам беришини ўтиниб сўради.

Шофёр ҳам мард йигитлардан. Пул деса, томдан ташлайди. 3 сўм эвазига тўрт бош қўйни давлат машинасига ортиб, Яланғоч посёлкаси, Береговая кўчасидаги 10-уйга элтиб қўйди.

Вақт кутиб турмас эди. Раҳимбоев шу куниёқ ўғирланган тўрт бош қўйнинг иккитасини Қадрлик қишлоғида яшовчи А. Жўрабоеванинг уйига олиб келди. Қассоб ҳам топилди. Бир кило қўй гўшти — палон пул. Тиллабой воситачиларига раҳмат деб, гўшт пулини қуртдек қилиб санаб олди. Қолган иккита қўйни ҳам уй эгасига арзон гаров 250 сўмга пуллаб, жуфтакни ростлади.

Оржоникидзе райони ички ишлар бўлими ходимлари бу ишни тезгина очиб ташлашди. А. Жўрабековаларнинг уйидан ўғирланган икки бош қўй ва сўйилган молларнинг териси чиқди. Ўғирлик фош бўлди. Қўй ўғирлаб, уни пуллагани учун Т. Раҳимбоев ва давлат машинасидан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланган М. Исроилов устидан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳа, Т. Раҳимбоев учун тўёна жуда қимматга тушди. Лекин, бу билан ҳамма айбни тўйга ағдариб бўлмайди. Ҳар ким ўз қилмишига яраша жавоб беради.

Р. АЛИШЕРОВ.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

ҚАЛБ ТАШАККУРИ— ОЛИЙ МУКОФОТ

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ! Партия ва ҳукуматимизнинг бизга улуғ Ватан уруши инвалидларига кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлигидан ҳамиша миннатдормиз. Қаерга бормайлик, ўзимизга билдирилаётган меҳрибонлик, илиқ муносабат тафтидан қалбимиз исиб, бошимиз кўкка етади. Урушнинг асорати менда ўттиз йилдан кейин ўзини кўрсатди: нафасим қисиб, ўзимни ҳолсиз сезадиган бўлиб қолдим. Юрак ҳам чатоқроқ. Беш-олти йил ичида кўп касалхоналарда, санаторийларда даволандим. Озми-кўпми фойдаси бўляпти. Улар орасида, ҳам шифокорларнинг хуш муомаласи, ҳам малакали муолажаси билан менга Тошкент область касалхонаси айниқса маъқул бўлди.

Яқинда иккинчи марта шу касалхонанинг терапия бўлимида даволаниб чиқиб, ўзимни жуда бардам ҳис қиляпман. Врач, ёш олим Марат Эрматовнинг буюрган бир дориси соғлигим учун бошқа қанча укол ва дорилардан афзал бўлиб чиқди. Оғир аҳволда келган эдим, ўша дорини ича бошлагач қисқа муддатда ўзимни ўнглаб олдим. Бу шифокорга, у бошчилик қилаётган бўлим коллективига миннатдорчилигимни газета орқали етказсангиз, деган умидда қўлимга қалам олдим... Маҳамат Норметов, Улуғ Ватан урушининг 2-группа инвалиди, Оржоникидзе районидаги «ЎзССР 50 йиллиги» колхози.

Ветераннинг қалб сўзлари шифокорлар билан суҳбатлашишга чорлади. Область бирлашган касалхонасининг терапия бўлимига кириб боришингиз билан саришталик ва озодалик кўзга ташланади. Сокин йўлакка поёндоз тўшалган, тувакларда гуллар. У ер — бу ерда оқ халатли кишилар палаталарга кириб-чиқиб юришибди.

— Бизга ё оғир касал, ёки район шифохоналарида дардига даво топмаган беморлар келади, — дея сўз бошлади бўлим мудири, — шу ҳолатнинг ўзи зиммамизга катта масъулият юклайди. Бошқа барча шифокорлар қатори, ана шу масъулиятга муносиб жавоб беришга, эшикдан ҳаста кириб келган беморни соғлом, мамнун кайфиятда жўнатишга ҳаракат қиляпмиз. Зеро, бизнинг вазифамиз ҳам, бурчимиз ҳам — шу.

Бўлим бирлашган: ҳам 60 ўринли шифохона, ҳам 90 қатновга мўлжалланган поликлиникадан иборат. Бўлим мудири ҳар жума поликлиникага бориб консультация ўтказади. Шунингдек, бўлим врачлари санавиация хизматидан ҳам фойдаланадилар. Зарур бўлиб қолганда районларга машина ёки самолётда зудлик билан етиб бориб, инсон ҳаётини сақлаб қолиш тадбирлари кўрилади. Ёки, шунчаки район шифохоналаридаги оғир касалларни кўриб, консультация бериш учун ҳам боради.

Кабинетлар замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, ҳар қандай оғир беморнинг шифо топиши учун шароитлар яратилган. Даволашнинг илғор усуллари дадил қўлланиляпти. Гастродуоденоскопия ана шу усуллардан бири. Унинг таъсир қуввати рентгендан кучлироқ бўлиб, хирургик аралашув билан тенг ҳисобланади. Хирург Шоғулом Шосаидов мана шу усулда даволашга бошчилик қиляпти.

Бўлимда ўз касбини, одамларни, яъни беморларни севган малакали врачлар ҳамда ҳамширалар анчагина. Жумладан, Авазмат Пўлатов ёш бўлса ҳам тажрибали шифокор. Унинг учун тайинланган иш вақти йўқ — кундузими, кечасими, қачон зарур бўлиб қолса ҳеч оғринмай бемор тепасида қолади. Партия ташкилоти секретарининг ўринбосари сифатида жамоатчилик ишларида ҳам актив қатнашади. Валентина Ивановна Оғажонова ветеран шифокор, у ёшларнинг мураббийси бўлиб ҳурмат қозонган. «Таклиф ва мулоҳазалар» дафтарида шифокор Ҳалима Абдураҳмонова, ҳамширалар Мария Вартанян, Оқбиби Умбетова, Тамара Айдарова, энагалар Зуҳра Урмонова, Ҳадича Мухсимова номларига қалб ташаккурлари битилган...

Бу ерда асосан ўпка ва ошқозон касалликлари даволанади. Бўлим шифокорлари даво усулларини янада такомиллаштириш мақсадида илмий-текшириш муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Ўлка-медицина институтининг гастроэнтрология бўлими, Тошкент Давлат медицина институтининг нефрология бўлими шулар жумласидандир. Мазкур муассасаларнинг мутахассислари вақти-вақти билан ўзаро ташриф буюриб, фикр алмашиб, тажриба ўрганиб туришади. Ўзаро ҳамкорлик ва ҳамфикрлик ҳар учала шифо даргоҳида муолажа сифатини оширишга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Терапия бўлимида область касалхонаси базасидаги интернатура мавжуд.

Интернатурада ҳар йили ТошМИни тугатиб келган 5—6 ёш врачлар бир йил давомида назарий билимларини амалда мустаҳкамлайди, малака оширади. Сўнгра, мустақил равишда бемалол ишлай оладиган шифокор даражасига етиб, зарур жойларга ишга юборилади. Интернатурада ҳам ишлаб, ҳам малака, маҳорат ўрганаётган ёш шифокорлар худди беморлар каби раҳбар-устозининг ёрдамидан миннатдор.

Бўлим шифокорлари эл саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб, одамларнинг қалб тубидан чиққан самимий миннатдорчилигига сазовор бўлишмоқда. Улар буни ўз меҳнатларига берилган олий мукофот деб ҳисоблайдилар...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Спорт

МЕЗБОНЛАР УСТУНЛИГИДА

Икки ҳафталик танаффусдан кейин олий лига командалари чемпионат ўйинларини бошлаб юборишди. Навбатдаги турда пешқадамлар—Украинанинг икки командаси «Динамо» ва «Шахтёр» ғалабага эришиб, яна иккитадан очкони қўлга киритишди. Динамочилар Ворошиловграднинг «Заря» футболчиларини 2:0 ҳисобида енгишган бўлса, «Шахтёр» — «Пахтакор» билан бўлган ўйинда 3:0 ҳисобида ғолиб келди.

Умуман бу тур майдон эгаларининг устунлигида ўтди. Кеча «Локомотив» билан «Зенит» ўртасидаги учрашувни ҳисобга олмаганда 5 та ўйинда мезбонлар ғалабага эришдилар. Икки ўйин дуранг бўлиб тугади. Фақат бир учрашувдагина меҳмонлар устун келишди. Пойтахт динамочилари Ростов Донда Армия спорт клуби командаси билан учрашиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Шу турнинг асосий учрашувларидан бири Тбилисида бўлди. Маҳаллий динамочилар пойтахт спартакчиларини қабул қилишди. Ҳар иккала команда бир неча мартадан тўп киритиш имкониятига эга бўлишса-да, бунинг уддасидан чиқа олишмади. Дарвозабонлар Габелия билан Дасаев яхши ўйнади. Лекин натижасиз дуранг грузин футболчилари учун мағлубият билан тенг бўлди. Негаки улар дуранглар лимитини тугатиб бўлишган эди. «Арарат» — «Торпедо» билан бўлган учрашуви 1:1 ҳисобида дуранг қилди, лекин Ереван футболчилари ҳам очко олишолмади.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади. «Қайрат» — «Динамо» (Минск) —1:0, «Черноморец» — «Нефтчи» —2:0.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	У	Т	О
«Динамо» К	24	31—11	37
«Шахтёр»	24	40—15	37
«Спартак»	24	44—17	35
«Динамо» Тб	24	36—15	34
«Динамо» М	24	23—16	28
«Зенит»	23	31—29	25
ЦСКА	24	29—25	24
«Арарат»	24	30—23	24
«Динамо» Мн	23	25—22	23
«Пахтакор»	22	26—33	21
«Черноморец»	24	22—25	20
«Торпедо»	24	22—28	20
«Қайрат»	23	21—33	16
«Локомотив»	23	28—39	16
«Заря»	24	26—42	15
«Нефтчи»	24	15—32	15
СКА	24	23—39	14
«Крылья Советов»	24	13—42	12

Жадвалда кеча «Локомотив» — «Зенит» командалари ўртасида бўлган учрашув натижаси ҳисобга олинмади.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни эртага Олмаота шаҳрида «Қайрат» командаси билан ўтказади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

КИНО МУХЛИСЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

сентябрь ойида область шаҳарлари ва районларининг экранларига янги бадиий фильмларни чиқаради

„ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ“

Сценарий автори — Борис МОЖАЕВ,
Постановкачи режиссёр—Андрей РАЗУМОВСКИЙ.
Ролларда: Валерий ЗОЛОТУХИН, Юрий НАЗАРОВ, Надежда РЕПИНА, Владимир ГОСТЮХИН.

Бу картинада биз «Тайга хўжайини», «Гувоҳ йўқолди» фильмларининг қаҳрамонлари ролини мароқ билан ўйнаб кўпчиликка ёқиб қолган артист Валерий Золотухин билан яна учрашамиз. Аммо «Дастлабки тергов»да унинг лавозими кўтарилган, энди у капитан, умуман анча ўзгарган. Ахир эндиликда у шуғулланаётган терговчилик иши ҳам билимни, ҳам ҳаётий тажрибани, инсон қалбига йўл топа билишни талаб қилади.

Янги лентанинг мазмуни ўта саргузаштли. Гап ўрмон кесишда содир бўлган жиноят ҳақида, давлат маблағини ўғирлаш ва қонунни бузишга йўл қўйиб бериш ҳақида боради.

Картинанинг асоси шундан иборатки, ҳалол бир одамни — ўрмон кесувчилар бригадири Иван Чубатовни маблағни қонунга хилоф равишда сарфлашда айбдор ҳисоблаб қамаб қўядилар. Ўғриликнинг ҳақиқий айбдори — омбор мудири Боборикин бўлса, изини йўқотиш, терговни чалкаштириш учун омборга ўт қўйиб, эркинликда юрибди. Иш яна шуниси билан мураккаблашадики, Боборикин Чубатов севиб юрган аёлнинг собиқ эри бўлган. Чубатов унга уйланиш ниятида. Бу эса Чубатовга туҳмат қилиш учун Боборикинга айни муддао.

Ақлли, ҳалол ва жасур терговчи Серёжкин Чубатовга ёрдамга келади. У терговни шаклан эмас, балки виждонан олиб боради.

ФИЛЬМ «МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА ЯРАТИЛГАН.

Тошкент область кинофильмлар прокати конторасининг реклама-ахборот бўлими.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Спектакль. 11.50 ва 15.00—Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 17.10 — Жонажон табиат. 17.30 — Асл йигитлар. 18.00 — Д. Локшин чалади. 18.30 — Фан оламида. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Л. Минкус «Дон Кихот». 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Ҳақиқат излаб. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида С. Наровчатов поэзияси кечаси. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.30 — Ғ. Ғулом шеъриятида ватанпарварлик ва интернационализм ғояларининг куйланиши. 13.00 — Шу куннинг қўшиқлари. 18.20 — Нурафшон давра. 18.50 — Хўжалик ҳисоби ва иқтисодий омиллар. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Алижон Эркаев куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Пахтазор мардлар майдони. 22.20 — Омск музикали комедия театри артистларининг якунловчи концерти.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Қолган умрим эвазига. Бадиий фильм. 2-серия. 20.00 — Янгиликлар. 21.00 — Фильм-концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Чио-Чио-Сан**, 19/IX да **Уйқудаги гўзал**, 20/IX да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Соқов рицарь**, 19/IX да **Олтин девор**, 20/IX да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА—19/IX да **Она қизим**, 20/IX да **Гулбаҳор қани?**

ДОСААФ ОМСК ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

Ҳар хил вимпеллар, спорт ва байрам эмблемалари, мукофот ленталари, безак байроқлари, иттифоқдош республикалар байроқлари, ипак байроқлар, картон ва фотоқоғоздаги плакатлар, электр хавфсизлиги, электр ускуналарининг техника хавфсизлиги бўйича, автотранспорт ремонти бўйича, газ пайвандлаш, такелаж ишлари, станция ва подстанцияларнинг электр ускуналари, техника хавфсизлиги, ҳаракат хавфсизлигига оид картон ва фотоқоғозга ишланган плакатлар, пластинкага ранг бериб ишланган йўл белгилари; бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича фотокомплектлар (фото ҳажми 24х30 см, бир комплектда 220 дона) тайёрлаш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Бизнинг адрес: 644043, Омск шаҳри-43. Косарев кўчаси, 2-уй. Телефон: 22-60-08.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02168. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2570.